



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (11.912)

Баҳоси эркин нарҳда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Бугун пойтахтимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўқув йили якунига етиб, сўнги кўнгирак садолари янгради. Кечагина ҳаяжон ила муқаддас даргоҳ аталмиш мактаб остонасига қадам қўйган жажжи ўғил-қизларимиз бугун мустақил ҳаёт бўсағасида меҳрибон устозлари, қадрдон мактаблари, яқин сирдош бўлган синфдошлари билан хайрлашдилар.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Козим Улмасов олган сурат

Сўнги кўнгирак

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида кенг қўламадаги туб ўзгаришларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг мукамал билим ва ҳунар эгаси, юксак маънавиятли етук инсон бўлиб етишиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Жаҳон андозалари даражасидаги ўқув муассасаларининг бунёд этилаётганлиги, уларнинг замон талаблари даражасидаги ўқув жихозлари билан таъминланаётганлиги фикримиз далилидир. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир.

Айтиш жоизки, бугунги кунда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфида 294 та умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатиб, бу йил 40268 нафар ўғил-қиз 9-синфни тамомлади. Келгусида ўқувчилар касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълимни давом эттирадилар.

Ҳар йилдагидек барча мактабларда сўнги кўнгирак тадбирига катта тайёргарлик кўрилди. Шайхон-

тоҳур туманидаги 324-умумтаълим мактаби ҳам эрта тондан қўллариға гулдасталар тутган, чехраларида қувонч ва ҳаяжон уфуриб турган битирувчилар билан гавжум бўлди. Сўнги кўнгирак тадбирида Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур тумани ҳокимликлари, туман халқ таълими бўлими ва викиллари ҳамда ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирок этишди. Тадбирда мактаб директори С. Шаропова ва бошқа меҳмонлар сўзга чиқиб, мустақил ҳаётга кабуларлардек учирма бўлаётган битирувчи ёшларга оқ йўл тилаб, эзгу тилаклар билдиришди. Келажакда устозлари ишончини қозониб, олий таълим муассасаларида билим олиб, етук мутахассис бўлиб етишишларини ният қилдилар. Битирувчилар ҳам доимо тўғри йўл кўрсатиб, таълим берган, яхшилик ва тўғрилиқ ундаган устозларига қарата дил изхорларини айтиб, чуқур миннатдорчилик билдирдилар. Устозларини мадҳ этиб, шеър ва қўшиқлар ижро этдилар.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Хелен Кларк 24 май куни Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона ойна маркази» фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Сергели тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида давлат бошқарувида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш йўналишида амалга оширилган лойиҳа асосида 2010 йилнинг апрель ойида «Ягона ойна маркази» ташкил этилган.

Ўзбекистонда бугунги кунда БМТ Тараққиёт дастурининг ижтимоий-иқтисодий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига оид 30 дан ортиқ лойиҳаси амалга оширилмоқда, яна 8 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. «Ягона ойна маркази» ана шундай лойиҳалардан биридир.

Мазкур марказни ташкил этишдан асосий мақсад – аҳолига халқаро тажриба асосида Ўзбекистон талабларига мос келадиган ахборот-маслаҳат ва интерфаол хизматлар кўрсатишдан иборат. Марказ Сергели тумани аҳолисига ижтимоий таъминот, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, иш би-

лан таъминлаш, мулк ва ер кадастри, коммунал хизматлар кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш ишлари каби йўналишларда хизматлар тақдим этмоқда.

ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

«Ягона ойна маркази»нинг ташкил этилиши аҳоли учун давлат хизматларини бир жойнинг ўзида ташкил этиш, ариза берувчи ва давлат идоралари ходимлари ўртасидаги алоқа сони ва вақтини сезиларли даражада камайтириш имконини туғдирди.

Хелен Кларк марказда яратилган шарт-шароит ва қулайликларни, шунингдек, БМТ ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги ахборот-коммуникация техно-

логияларини давлат бошқарув тизимида қўллаш борасидаги ҳамкорлик самараларини юксак баҳолади.

– Ташкилотимиз билан ҳамкорликда Ўзбекистонда амалга оширилган қўшма лойиҳаларнинг самарали ижроси билан

танишганимиздан мамнунмиз, – деди Хелен Кларк. – «Ягона ойна маркази»да аҳоли учун яратилган қулай имкониятлар бизда катта таассурот қолдирди. Бундай марказларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистон сўнги йилларда юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришяётгани бизни жуда қувонтиради. Ўзбекистонда барча соҳаларни ривожланти-

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

БИЗ – БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, ҳар бир болага меҳр ва эътибор кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан жойларда ўтказилаётган кўплаб тадбирларда ҳам бу ўз ифодасини топмоқда.

Пойтахтимиздаги Туркистон санъат саройида бўлиб ўтган байрам тадбири ҳам ана шу санага бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга Меҳрибонлик, Саховат уйлари, Болалар шаҳарчалари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари таклиф этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ганиев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг замон талаблари асосида таълим-тарбия олиши, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда болаларнинг билим олиши, иқтидорини рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган.

– Биз давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни доимо ҳис қилиб улғаймоқдамиз, – дейди 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Анара Бобомуродова: – Меҳрибонлик уйимизда бизларнинг яхши яшашимиз, ўқишимиз, бўш вақтимизни мазмунли ўтказиш, спорт билан мунтазам шуғулланишимиз учун барча шарт-шароит яратилган.

Тадбирда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, болалар ижодий гуруҳлари ҳамда эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқ ва рақслар болаларга кўтаринки кайфият бағишлади. Уларга байрам совғалари топширилди.

Г.САТТОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

риш йўлида замонавий технологиялар татбиқ этилаётгани диққатга сазовор. Ушбу марказ ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида «Ягона ойна маркази»ни ташкил этиш режалаштирилган. Шу мақсадда Ўзбекистон ҳукумати билан БМТ Тараққиёт дастури ўртасида жорий йилнинг охиригача Жиззах ва Наманган шаҳар ҳокимликлари қошида «Ягона ойна маркази»ни барпо этиш юзасидан келишувга эришилди.

БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Хелен Кларк раҳбарлигидаги делегация, шунингдек, Самарқанд туманининг Гулобод кўрғонига жойлашган имконияти чекланган болалар учун иқтисослаштирилган махсус касб-ҳунар коллежидagi таълим жараёнлари, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, Тошкент вилояти Зангиота туманининг Чувалачи қишлоқ фуқаролар йўғини ҳудудидagi қишлоқ врачлик пунктида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастури томонидан амалга оширилган муқobil энергия манбаларидан фойдаланишга оид қўшма лойиҳа ижроси билан ҳам яқиндан танишди.

ИРОДА УМАРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида журналистлар учун ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда босма, теле-радио, Интернет нашрлари вакиллари, бир гуруҳ олимлар, ҳуқуқшунослар иштирок этди.

• Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан республика МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси томонидан «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда илк бор «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик муСОБАқалари ташкил этилди.

• Рометан тумани марказидан 220 километр олинса, сахро бағрида жойлашган Қизилравот аҳоли масканига тоза ичимлик суви тармоғи тортилди. Бунинг учун 150 кубометр сизимга эга резервуар, иккита ёпиқ сув ҳавзаси барпо этилди. Салкам 2 километр масофага қувурлар ётқизилди. Лойиҳани амалга ошириш учун туман «Сувоқава» корхонаси томонидан 106 миллион сўм миқдоридa маблағ сарфланди.

• Маргилон шаҳридаги Тоғлик маҳалласида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Собиқ маиший хизмат ва сервис касб-ҳунар коллежи биноси негизидa бунёд этилган спорт мажмуасида ҳозирда 200 га яқин ўсмирлар ва қизлар футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат ва шашка билан шуғулланмоқда.

• Бугун Тошкентда Осиёнинг 19 та мамлақати вакиллари иштирокида қиличбозлик бўйича мурабийлар учун халқаро семинар бошланди.

• Жарқўрғон туманидаги «Достон Акмал келажак» хусусий корхонаси раҳбари Равшан Бойназаров сай-ҳаракати билан йилига 140 тонна гўштни қайта ишлайдиган технологик линия ишга туширилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун тадбиркор ўзининг 45 миллион сўмлик маблағи ҳамда банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан унумли фойдаланди.

• Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусикали драма ва комедия театри жамоаси томошабинларга «Баҳор шамоли» номли янги спектаклни тақдим этди. Янги саҳна асаридa қишлоқ одамлари руҳиятидаги ижобий ўзгаришлар, фермерлик ҳаракатининг ютуқ ва муаммолари, эскича дунёқараш ва янги даврнинг илғор фикрли кишилари ўртасидаги зиддиятлар ифодаланган.

ЖАҲОНДА

• Исландиянинг жанубидаги Гримсвоти вулқони уйғонди. Ҳозирда вулқон туфайли 200 километр кенликда осмонга 11-15 километр баландликда чанг ва кул кўтарилмоқда. Метеорологлар Гримсвоти ўтган йилдаги Эйяфьятлайоқул вулқонининг уйғонишидаги каби самолётлар ҳаракатига жиддий хавф солмайди, деган фикрни билдиришмоқда.

• Япониянинг Хонсю ороли яқинида 5,8 балл куч билан яна ер қимирлади. Зилзила маркази мамлакат пойтахти Токиодан 89 километр узоқликда жойлашган. Дастлабки хабарларга қараганда, ер қимирлашидан ҳеч ким жабр кўрмаган. Цунами хавфи ҳам йўқ. Метеохизмат кузатувларига қараганда, яқин кунларда ҳудудда фаол сейсмик ҳолат сақланиб қолади.

• Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк штатида пиёдалар учун янги қонун кучга кирди. Унга қўра, йўлни кесиб ўтувчи пиёдаларнинг уяли телефон ва плейердан фойдаланишлари қатъиян ман этилади. Акс ҳолда улар 100 АҚШ доллар миқдоридa жарима тўлашади. Йўл-патруль хизмати ходимларининг сўзларига қараганда, автохалокатларнинг аксарияти пиёдаларнинг эътиборсизлиги оқибатида содир бўлаётир.

• Гиннеснинг рекордлар китобига бразилиялик 114 ёшли Мари Гомес Валентин Ер юзидаги энг кенса киши сифатида рўйхатга олинди. Мамлакатнинг Минас-Жерас штатида яшаётган Мари 1896 йилнинг 9 июль куни туғилган. Рўйхатнинг иккинчи погонасида қайд этилган АҚШлик Бесс Купер эса бразилиялик қариядан атиги 48 кунлик кичик.

• Мутахассисларнинг маълум қилишича, жорий йилнинг октябрь ойида сайёрамиз аҳолиси 7 миллиард кишига етаркан. Асиримиз охирларига бориб эса бу миқдорнинг 10 миллиард нафарини ташкил этиши тахмин қилинмоқда. БМТ экспертлари томонидан тайёрланган маърузага қўра ер юзи аҳолиси сони асосан Африка, Осиё, Океания ва Лотин Америкаси мамлакатлари ҳисобига ўсади. Эътиборли жиҳати, 2100 йилга бориб ўртача умр кўриш 68 дан 81 ёшга етиши кутилмоқда.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университети қошидаги 5-академик лицейда «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида

Адлия вазирлиги вакиллари иштирокида ҳуқуқий саводхонликни оширишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

✓ **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги маҳаллаларда «Тинчлик ва осойишталик – бебаҳо неъмат» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди.

✓ **«СОҒЛОМ** авлод учун» жамғармасининг навбатдаги «Саломатлик поезди» Сурхондарё вилоятига жўнаб кетди.

ВАТАНПАРВАР

...Хизмат сафарига поездда кетаётганимда вагонлар ҳолатини кўздан кечириётган темир йўл хизмати ходими негадир эътиборимни тортди. Юз-кўзлари киннидир эслатарди. Буни пайқаб йигит ўзини танитди:

— 2005 йилнинг кузги чақируви. Тошкент шаҳар йигити. Жажонгир Олимов. Берилган қисқа маълумотдан сўнг уни эсладим. Пойтахтлик йигитларни мuddатли ҳарбий хизматга кузатишга бағишланган тантанали тадбирда у ва оила аъзолари билан суҳбатлашган эдим. Орадан вақт ўтиб, учрашган жойимизни қаранг-а.

— Армиядан қайтиб, туман аҳолини ихтимой муҳофаза қилиш ва бандликка кўмакла-

шиш маркази ёрдами билан электроцехга пайвандловчи бўлиб ишга жойлашдим. Айни пайтда механик вазифасидаман. Таъкидлаш жоизки, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаганим бу ерда муҳим аҳамият касб этди. Ҳаёт мактаби мен учун қадрили маскан бўлиб қолганлиги учун ҳозирда ҳам Куролли Кучларимизда рўй бераётган кўплаб ўзгаришлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлишга ҳаракат қиламан. Масалан, мuddатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, ҳарбий хизматга ча-

қирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани Куролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасидир.

— Ташкилотимизда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган мутахассислар кам эмас, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК таркибидagi «Ўзтемирйўлйўловчи» ташкилотига қарашли йўловчи поездларни рейсга техник ва технологик тайёрлаш бўйича филиалининг электроцехи бошлиғи ўринбосари Раҳмон Рустамжонов. — Бахтиёр Авазов, Исроил Валиев, Жаҳонгир Олимовлар шу-

лар жумласидан. Улар қатъияти, тиришқоқлиги ҳамда намунали интизоми билан алоҳида ажралиб турадилар. Жаҳонгирнинг яхши танийми. Бир сўзли, касбига ҳурмати баланд, устозлар ва раҳбарият ишончини оқлаётган, умидли, ёш мутахассис.

Дарвоқе, поезд вагонларининг электр, видео ва тележизмалари, иситиш мосламалари, аккумулятор батареялари, генераторлари, вагон ости юриш механизмлари соzлиги ва тўғри ишлашини назорат қилиш, уларга техник хизмат кўрсатиш лавҳамиз

қахрамонининг вазифасига киради. Касб-хунар коллежида орттирган билимлари, устоzi Мўмин Қаҳҳоровдан олган сабоқлари, қолаверса, ҳарбийларга хос изланувчанлиги боис, масъулияти вазифани бекаму кўст бажариб келмоқда.

Жаҳонгир билан хайрлашар чоғимда, у ҳақдаги фикрларим яна иккита маълумот билан бойитилди. Маҳкам кўл сикиши жисмонан чиниқшишда давом этаётгани ҳамда нигоҳларидаги қатъийлик ўзига бўлган ишончдан далолат беради. Ушанда беихтиёр «Армия кўрган йигитда», деган ўй ўтди хаёлимдан.

Тўлқин ЖУМНАЗАРОВ

АРМИЯ КЎРГАН ЙИГИТ

Темир йўл транспорти иқтисодиётнинг асосий қон томири ҳисобланади. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда йўловчи ташишнинг 60, юк ташишнинг қарийб 70 фоизи темир йўл орқали амалга оширилади. Биз мазкур транспорт турига хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ёш мутахассислардан бири тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мактабимизда ўқувчиларимизнинг чуқур билим эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди биз билан суҳбатда 324-мактаб директори Салима Шаропова. — Бугун мактабимизнинг фасол, намунали хулққа эга бўлган 274 нафар битирувчиларини янги ҳаётга кузатмоқдамиз. Ўқувчиларимиз орасида аъло баҳоларга ўқиб, муносиб ютуқларга эришиб келаётганлари кўп. Улар фан олимпиада, фаанлар бўйича олимпиадаларда, «Билимлар синови» танловида, «Сен буюк ва муқаддасан, Мустаққил Ватан!» мавзусидаги иншоолар танловида қатнашиб, муносиб ўринларга сазовор бўлдилар. Ўқувчиларимиздан умидимиз катта. Уйлайманки, улар келгусида ўқишни давом эттириб, устозлари ишончини оқлайдилар, ўзлари орзу қилган орта махсус ва олий таълим муассасаларида таълим олиб, етук мутахассис бўлиб етишадилар.

Бугун битирувчиларнинг ҳаётида унутилмас куун. Шу кун улар учун яна бир қувончли тадбир бўлиб ўтди. Энг улуғ байрамимиз — Мустаққилликнинг 20 йиллиги нишонланадиган йилда тумандаги мактаблар битирувчиларидан 16 нафарига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.

Тантанали тадбир якунида сўнгги кўнғирок саддолари янгради, битирувчилар «Хайр, мактабим!» қўшиғини биргаликда қўйладилар, устозларига гўлдастлар тутиб, миннатдорлик сўзларини изҳор этдилар.

Оқ йўл сизга, азиз битирувчилар, беғубор орзуларингиз амалга ошиб, ҳаёт йўлингиз чароғон бўлсин.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: мактабда бўлиб ўтган сўнгги кўнғирок тадбирдан лавҳа

ТАДБИРКОРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Чунки ушбу соҳанинг раванқ топиши и қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал этиш, жумладан, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда шу орқали уларнинг даромади ва турмуш даражасини оширишга эришиш имконини беради.

Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилган. Президентимизнинг шу йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори бу борадаги имкониятларни рубёга чикаришда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётди.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги мебоёл профиллари ва панеллари ишлаб чикаришга ихтисослашган «Caps Furniture Components» масъулияти чекланган жамиятини ана шундай ёндашув ва оқилона сиёсат саҳсули, дейиш мумкин. Ушбу корхонада ташкил қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — фаровонлигимиз, тараққийтимизнинг муусттахкам таянчи» мавзусидаги давра суҳбатида бу борада афрофлича сўз юритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳокимлик вакиллари, тадбиркорлар ва ОАВ ходимлари иштирок этган тадбирда «Кичик ва оилавий иқтисодий ҳамда инновациялари рағбатлантириш иқтисодий барқарорликнинг муҳим омилдир», «Мебель ишлаб чикаришда янги инновацион лойиҳа амалда», «Мебель ишлаб чикаришда миллий ва чет эл таҳрибалари (Эрон I ва Малайзия сафари асосида)» каби мавзуларда маърузалар тингланиб, иштирокчилар томонидан чуққур муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, бўшаб қолган автобаза ўрнида барпо этилган мазкур корхонага замонавий, янги технология асосида мебель профиллари ва панеллари ишлаб чикариш учун Хитой ва Жанубий Кореядан замонавий ускуналар келтирилди. Йилга 5000-600 минг донна мебель профиллар ва 15-20 минг донна мебель панеллар ишлаб чикаришга ихтисослашган корхона маҳсулотлари мебоёллик ва қурилиш соҳасида жуда зарур ҳисобланади. Ишчиларга барча қулайликлар — кенг ва ёруғ цехлар, кийиниб-ёчиши, ювиниш учун шароитлар, ошхона ва дам олиш хоналари, махсус хонада ишлаб чикарилаётган маҳсулотларнинг кўргазмасини ташкил этиш имкониятлари яратилган. Тадбир давомида корхонанинг тадбиркорлик босқисидаги таҳрибалари билан ўртоқлашилди.

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланиши ва бу борадаги қабул қилинган Давлат дастури, аввало, тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари янада кенгайишига ва ишу орқали ишбилармонларга қулай шарт-шароит яратишига замин бўлди. Бошқача айтганда, бу сазъий ҳаракатлар тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий базасини тақомиллаштириб қолмай, хунари, тадбиркорли кишиларнинг янада кўпайишига, фаровонлигини ошишига, пировардида, мамлакатимиз ривожига бектеб ҳисса қўшишга хизмат қилади.

Давра суҳбати сўнгида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи қатъор тақлиф ва тегишли тавсиялар ишлаб чикарди.

Нурбек АБДУХАЛИЛОВ

ЮРТИГА ТАЯНЧДИР ҲАР ЎҒЛОН

Шерзод Турғунов Юнусобод туманидаги «Кўшчинор» маҳалласида яшайди. У оилада ўртанча фарзанд. Шерзод болалигидан оғир, вазмин, етти ўйлаб бир кесишга одатланган. Бир ишга қўл уришдан олдин, албатта, унинг фойдали ва зарарли жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритади, ақл тарозисида тортиб кўради. Ана шу хислати сабаб ота-онаси унга ишонади, укаси эса ундан ибрат олишга интилади.

— Шерзодим — менинг энг яқин ёрдамчим, ишонган тоғим, десам янглишмайман, — дейди Фароғат опа Қоратоева. — У табиятан меҳнаткаш, масъулиятни юракдан ҳис қилади, шунингдек, билимга ҳам ташна. Мактабда, ундан кейин академик лицейда фақат аъло ва яхши баҳоларга ўқиди, устозларидан у ҳақда фақат раҳмат эшитдик. Уғил боланинг шундай бўлгани яхши-да, эр етса, юрт қорига камарбаста бўлади. Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўяди.

Умумтаълим мактабини тамомлагач, у Тошкент тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) қошидаги академик лицейда тахсил олди. Айтиш жоизки, айнан мазкур таълим масканида у келгусида қайси касбни танлаш хусусида аниқ қарорга келди. Айниқса, чақирққа қадар бошланғич тайёргарлик фани орқали соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ўзгаришлар, кенг қўламли ислохотлар тўғрисида, армия бугунга келиб том маънодаги ҳаёт мактабига айланиб улгургани, Куролли Кучларимиз сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитларга катта эътибор қаратилаётгани хусусида афрофлича маълумотга эга бўлди. Мазкур сабоқлар таъсирида ўғлонда ҳам аскар бўлишга қизиқиш туғилди.

Лицейда ўқишни битиргач, у мuddатли ҳарбий хизматни ўташга бориш учун туман мудофаа ишлари бўлимига муурожаат қилди. Бу ерда масъул офицерлар унга мuddатли ҳарбий хизматга қабул қилишда жорий этилган кўрик-танлов хусусида батафсил ахборот беришди. Табиийки, манъан ва жисмонан шакланган ўғлон мазкур доводдан ортиқча қийинчиликсиз ўтди ва аскарликка муносиб деб топилди.

Қахрамонимиз армияда ҳар томонлама чиникли, тоблани. Унинг том маънодаги посбон, замонавий билимлари, ҳарб илмини пухта эгаллов ҳарбий хизматчи бўлиб етишишда офицерлар Қобил Азимов, Ойбек Мамадалиев, Ўткир Юсупов, Жамолжон Билолов, кичик сержантлар Шариф Хўжабеков, Урол Алиқуловларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳаёт яхши одамларнинг борлиги билан ҳам гўзал, мазмунли. Ўқсганингда бошингни силагувчи, ғамингга шерик, дардинга малҳам бўлувчилар учраса, нечоғли қувонсан килиш. Чиндан ҳам, одамнинг дардини одам олади, кўнгил эса кўнгилдан сув ичади.

Мен Меҳрибонлик уйда тарбия топдим. Ота-онасиз вояга етиш жуда оғир. Бунини сўз билан тушутириб бериш ниҳоятда мушкул. Бирок давлатимизнинг ғамхўрлиги туфайли мен каби кўнгли ўқис болалар ҳеч қимдан кам бўлмай улгайдик, билим олдик, камолга етдик. Яхшилик қилиш орзусида яшайдиган юртдошларимиз ва ҳукуматимиз ота-онанинг йўқлигини билдирмади, юрт юзига елка тутадиган фарзандлар бўлиб вояга етишимиз учун бор имкониятларини, шарт-шароитларини яратиб беришди. Бунинг учун Ватанимдан, меҳрибон халқимиздан бир умр миннатдорман.

Балоғатга етгач, туман мудофаа ишлари бўлимида мuddатли ҳарбий хизматга чақирув қозони келди. Зиммамдаги конституциявий бурчимни ўташ, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларга оз бўлса-да, жаваб қайтариш имкони туғилгандан сўнандим. Турган гапки, ҳеч иккиланмай армияга отландим. Белгиланган кўрик-танлов ва


синовлардан муваффақиятли ўтиб, аскарликка муносиб топилдим.

Армияда юсак масъулият, бурч деган тушунчалар моҳиятини янада тереңроқ оқлаётганимизнинг муваффақиятли бўлишига интилдим. Машгулотлар давомида ҳар бир аскар билиши лозим бўлган сабоқларни кўнгил билан ўзлаштирдим. Армияда менга яқиндан ёрдам берган, устозлик қилган офицерлар Дилшод Сайдуллоев, Хайрулла Бахромоов, Исроил Қосимов, Амир Дадаев, сержант Аҳмад Ортоқов, кичик сержант Аваз Шукровлардан жуда миннатдорман. Ўз касбининг фидойиси,

ИШОНЧИНГНИ ОҚЛАЙМАН, ВАТАН

дан шарафли касб эгаларига боғлиқ, Мен миллий армиямиз сафарида Ватанимнинг шерюрак, оловқалб ўғлонлари билан биргаликда мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз осийшталлиги учун масъул эканлигим, сархадларимиз дахлсизлигини таъминлашга оз бўлса-да ўз улушимни қўшаётганимдан бениҳоя бахтиёрман. Зиммамдаги бурчимни адо этишимда турт ишончи, халқ ҳурмати менга куч бағишлайди. Келгусида жанговар хизматда бундан-да юқори натижаларга эришиб, билдирилаётган ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Маратбек ЭҒАМОВ, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар



Ташкилотлар фаолиятдан

ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотини ёшлар ва ҳарбийга чақирилувчилар орасида ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги ишларни жонлантириш, уларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш, она юртига садоқатли, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни вояга етказишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган даргоҳлардан бири десак хато бўлмайди.

Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаларидан яна бири бўлган спортнинг техник ва амалий турларини омма орасига олиб кириш, ёшларнинг спортга иштиёқларини ошириш, турли мусобақалар уюштириш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида муайян ишлар олиб борилади. Шунингдек, ҳарбий аҳамиятга эга бўлган оммавий техник касб мутахассисларини тайёрлаш, тахсил олувчиларнинг билимларини юқори савияда эгаллашларига эришиб, маъхуд моддий-техник негиздан унумли ва оқилона фойдаланиш, доимо уни тақомиллаштиришга ҳам асосий эътибор қаратилади. Куролли Кучлар учун техник мутахассислар тайёрлаш, улар сифатини юксалтириш, курсантларда ҳарбий кўникмалар ҳосил қилиш ўқув муассасасининг асосий фаолият турларидан ҳисобланади. Мудофаа бўлимлари ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда курсантлар танлов асосида қабул қилинади ва ўқитиш сифатини яхшилашга доир ишлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши тасаруфидан 11та ўқув спорт техника клублари, бирлашган техника мактаби ва улар қошида ҳамда бошланғич ташкилотларда спортнинг автотрени, автоқўқураш, авто, мотопойга, секторкросс ва модел турлари бўйича секциялар фаолият юритиб келмоқда. Ушбу тўғрақларнинг мунтазам фаолият юритиши ёшларнинг жисмонан соғлом, терең фикрловчи, камил омон бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлмоқда. Ташкилот томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси ҳамда белгиланган иш режасини адо этиш орқали ислохотларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар бир шонли сана ва байрамларни муносиб нишонлаш мақсадида анжуман, давра суҳбатлари, учрашув ва турли мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Жумладан йил бошида нишонланадиган «Ватан химоячилари кўни»га катта тайёргарлик қўрибди. Тошкент бирлашган техника мактабидан «Ватанин химоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир» мавзусида катта байрам тадбири ўтказилди. «Шонли Ватан тарихи» музейига таширф уюштирилди. Тадбир сўнгида мактаб фахрийлари, устоз ва мураббийларга ҳамда юқори натижаларга эришган курсантларга шаҳар Кенгашининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Март ойида ўтка-

зилган умумшаҳар ҳашарида катта ҳақдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, саранжом-сарийотиқ ишлари амалга оширилди, 100 га яқин арча ва дарахт кўчатлари, турфа хил гуллар ўтказилди. Тошкент бирлашган техника мактабида мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳайдовчи-электрик ва радиотелефонист мутахассислиги бўйича курсантлар жамлиниб икки ўқув йилининг очилиш маросими тантанали ўтказилди. Ўтказилган тадбирдан Ўзбекистон Куролли Кучларида олиб борилаётган ислохотларни жойларда тушутириш, ёшларни, айниқса ҳарбий хизматга чақирув ёшида бўлган фуқароларни ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш, замонавий, ҳарбий анъаналарни тарғиб этиш ҳамда алоҳида Ватанга бўлган муҳаббат ва гурур хиссини янада ошириш каби хайрли мақсад кўзланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида»ги қарори ижроси юзасидан вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кўчатириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада тақомиллаштириш бўйича шаҳар Кенгаши томонидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб жойларда мунтазам ўтказиб келинмоқда.

— Бу борада мисолларга муурожаат этадиган бўлсак март ойида пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида ёш спортчилар ва авиамоделичиларнинг «Лайлак-варрак» кўргазмали чиқишлари уюштирилди, — дейди МК «Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар кенгаши расиси Зокир Раҳматов. — 148-мактабда эса ёғзи биатлон тури бўйича шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Спорт мусобақалари ва турли мавзулардаги тадбирларнинг уюштирилиши ёшларнинг бўш вақтини мазмунли, фойдали ўтказишга ва соғлиқларини тиклаб келажакда ҳам маънан, ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларини, жамиятда ўз ўрниларини топишларига ҳисса қўшишга қаратилган.

Зеро, келажак ёшлар кўлида экан, уларга бугун берилаётган тарбия мукамал бўлмоғи керак.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: ташкилот томонидан ўтказилган тадбирдан лавҳа

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бошқа соҳалар билан бир қаторда, бозор иқтисодиётининг асосий ривожлантирувчи омили бўлмиш тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва фаолият эркинлигини таъминлашга ҳам қаратилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш натижасида яратилаётган имкониятлар, барча шаклдаги мулк эгалари учун яратилган тенг шарт-шароитларнинг асл моҳияти тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Ушбу ишларнинг самараси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намён бўлмоқда. 2000 йилда янги ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаш ва кредитлаш соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш, кредит ресурсларини шакллантириш манбаларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Хўжалик ва жамоатчилик тузилмаларини қўлай тадбиркорлик муҳитини яратиш каби масалаларга йўналтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ва «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари шу соҳада катта аҳамиятга эга бўлган муҳим қонун ҳужжатларидир.

Иккинчи босқич, яъни 2000 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврда иқтисодиётни либераллаштириш ва модерни-

тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этишда замонавий хорижий технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш кабиларга ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ кредит маблағларидан фойдаланиш борасида бир қатор имтиёзлар ҳамда қўлай шарт-ша-

сий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодиётда, энг аввало саноатдаги улушини янада оширишга хизмат қиладиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш эҳтиёжи сезилмоқда.

Бинобарин, Концепцияда белгиланган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирда тайёрланиши ва унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини янада соддалаштириш, улар фаолияти учун янада кўпроқ эркинликлар яратишга қаратилган қонунларни акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, Қонунда тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, мавжуд ресурслардан фойдаланиш, уларга давлат буюртмаларини олиш имкониятини ишониб топшириш учун кафолатлар яратиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклида босқичма-босқич ўтиши, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш билан боғлиқ нормаларнинг ўз ифодасини топиши қўзғалган мақсадга эришишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Концепцияда янги таҳрирда қабул қилиш таклиф этилган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ва унда акс эттирилган масалалар тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ҳам мазмунан мос келади. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги Конвенцияси (Вена, 1980 йил 11 апрель), Халқаро товарлар олди-сотдиси шартномаларига доир ҳуқуқлар ҳақидаги Конвенция (Гаага, 1986 йил 22 декабрь) ва Тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги ҳолатида меҳнатқашлар талабларини ҳимоя қилиш ҳақидаги 173-Конвенциялар (Женева, 1992 йил 23 июнь) мазмунидagi тегишли қонунлар шулар жумласидандир.

Эътироф этиш жоизки, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг Концепцияда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини янада такомиллаштириш нуктаи-назаридан белгиланган вазифалар билан ҳамоханлиги, ўз навбатида тадбиркорликни янада ривожлантиришда, ушбу фаолиятни бундан-да рағбатлантиришда ҳамда тадбиркорларнинг ўз қўнига, эртанги кунига ва олдига қўйган юксак мақсадларига эришишига ишонч билан қараш учун долзарб аҳамиятга эга, десак муболаға бўлмайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунинг янги таҳрирда тайёрланиши ва унда Концепцияда илгари сурилган масалаларнинг ўз ифодасини топиши, қабул қилиниши ва амалиётда татбиқ этилиши, ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлашга хизмат қилади.

Алишер ҲАЗРАТКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Амалдаги
қонун ҳужжатлари мониторинги
институтини етакчи илмий ходими

Концепция: устувор вазифалар

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ
ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ**

зация қилиш жараёнларини ривожлантириш шароитида хусусий мулкнинг ҳимоясини янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини янада тўлиқ таъминлашга доир кенг қамровли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу даврда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, уларда тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки асосида амалга оширилиши мумкинлиги ва ушбу мол-мулк, шу жумладан, мулкий ҳуқуқлар белгиланиши, ўзгартирилиши ҳамда бекор бўлиши билан боғлиқ олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар объекти бўлиши мумкинлиги, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун қатор солиқ имтиёзлари, преференциялари кўзда тутилди.

Бундан ташқари, ушбу даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш билан боғлиқ муносабатларни янада тўлиқроқ тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмининг такомиллаштириш

роитлар яратилди. Бунга биргина мисол сифатида тадбиркорлик субъектлари учун узок муддатга, яъни 3 йилдан ортик муддатга бериладиган инвестиция кредитлари улуши 2000 йил охирида умумий кредит портфелининг 35 фоизини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2010 йилнинг охирига келиб 75,2 фоизга етганлиги кўрсатиш мумкин.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Қарови томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисида илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш борасида ҳуқуқий ислохотларни бундан-да ривожлантириш зарурати мавжуд. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «... ҳолисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантиқи ва изчилиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда». Бошқача қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусу-

23 нафар акромийларнинг экстремистик фаолияти учун жиноий жавобгарликка тортилиши ушбу ҳудудда оммавий тартибсизликларни уюштириш учун баҳона бўлди. Судланувчиларнинг қариндошлари ва ҳамтоврақлари шаҳар суди биноси олдида намойиш уюштиришди, бунда уларга айрим хорижий давлатларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ахборот ёрдамини кўрсатишди. Экстремистлар етакчилари томонидан Андижон вилоятидаги вазиятни «Қирғизистон» сценарийси бўйича издан чиқариш бўйича дастлабки хатти-ҳаракатлар режаси тuzилди.

Бунинг учун «Акрอมийлар» ўз аъзолари орасидан қисқа муддатда «жанговар қанот»ни шакллантирди – ҳар бирига 20 нафардан жангари кирувчи 15 та гуруҳ тuzилди. Штаб ташкил этилди ва белгиланган акциянинг молиялаштирилиши, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан таъминланиши учун масъул шахслар белгиланди. Айни пайтда Андижоннинг ҳарбий ва ҳокимият тузилмалари жойлашган ерларнинг, ҳокимият, аэропорт каби инфратузилма объектларининг реконструкцияси ўтказилди.

Таъкидлаш зарурки, Андижондаги тартибсизликларни ташкил этишда ва ўтказишда қирғизистонлик акромийлар ҳам фаол иштирок этди. Мазкур республика ҳудудида молиявий гуруҳлар иш юритган ва уларга миллати ўзбек, ўш шаҳрида туғилган Ақром Мамадалиев деган кимса бошчилик қилган.

Хусусан, қирғизистонлик акромийлар Андижон вилояти ҳудудига қўллаб-қўтар қурол олиб кирилишини уюштирган, ўзларида «шоқвинли» сиёсий тадбирларни ташкил этган ва бунга хориж оммавий ахборот воситаларини жалб қилган.

Андижондаги воқеаларда бевосита қирғизистонлик «Акрอมийлар» тузилмасининг 94 аъзоси қатнашган. Воқеалар давомида уларнинг бир қисми қўлга олинди, ушбу мамлакатнинг 80 нафар фуқароси ўша қонли воқеалар жараёнидаги аниқ жиноятлари учун ханузгача Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қидирилмоқда.

Андижонда ҳокимиятни қўлга олишининг улдасидан чиқилмаган, айнан қирғизистонлик акромийлар ўзларининг андижонлик биродарларига Қирғизистон ҳудудида адолатли жазодан қочиб қолишда ёрдам беришди — улар учун олдиндан қочқинлар лагерлари тайёрлаб қўйилган эди. Ажабланарлиси, ханузгача Қирғизистонда акромийларнинг «восита» деб аталган молиявий шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Мана «тинчликсевар» акромийларнинг ҳақиқий башараси... Бу кимсалар учун Қуръонни қаримдан қўра Қалашников автомати афзал эканлигини уларнинг айрим ҳомийлари ва ҳимоячилари яхши англаб олсалар, зарар қилмас эди.

Бекзод ТУРДИЕВ

Олий таълим муассасаларида

**МУТАХАССИСЛИК ҲАҚИДА
ФИКРЛАР АЛМАШУВИ**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида биз, ёшларнинг, малакали мутахассис бўлиб етишимиз, салоҳиятимизни юксалтириш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Буни халқаро журналистика факультетида ташкил этилаётган турли тадбирлар мисолида кўришимиз мумкин.

Айниқса жаҳон журналистикаси тарихи фани бўйича қўллаб-қўзғатувчи мулоқотлар уюштирилди. Яқинда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги тадбирда икки давлат оммавий ахборот воситалари ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

Хусусан, элчихонанинг маданият ва ижтимоий масалалар бўйича вакили Свантже Кортемейер Германия матбуоти юзасидан ўз мулохазаларини билдирар экан, журналистнинг ижтимоий нуктаи назари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Матбуот вакиллари асосий вазифаси ижтимоий фикрни шакллантириш, жамоатчиликни воқеа ва ҳодисалар ҳақида аниқ, тезкор ва ҳолисона хабардор қилишдан иборатдир, — деди С.Кортемейер. — Оммавий ахборот воситаларида тезкорлик катта аҳамиятга эга ва борда журналистлар ўртасида халқаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш вақти келди, назаримда. Ушбу соҳада ҳам қанчалик бир-биримиз ҳақимизда кўп маълумотга эга бўлсак, муносабатларимиз янада ривож топади. Бугунги кунда Германияда 1500 дан зиёд газета чоп этилса, шундан 350 дан кўпроги республика миқёсида тарқатилди. Нашрларнинг умумий адади 20,2 миллионни ташкил этади. Бунинг ичига таблоид, яъни сариқ матбуот ҳам қиради. Жумладан, шундай газеталардан бири «Билд Зейтунг» 3,3 миллион нусхада чоп этилиб, бутун Европа қисми тарқатилди. Умумийлиги газеталарнинг сон беш фоздан ортиқроқ. Шундай бўлса ҳам, бу йўналишдаги матбуотга талаб сусайганича йўқ. Сабаби, ўйлашимча, улардаги берилётган мақолалар тажрибали журналистлар томонидан тайёрланади.

Албатта, биз, бўлажак журналистларни, кўп нарса қизиқтиргани боис меҳмонларни кетма-кет саволларга тортидик. Маълум бўлишича, бу мамлакат аҳолисининг аксарияти қисми радиотингловчилар экан. Бир йил давомида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига қараганда, ҳар кунги германияликлар 176 дақиқа радио тинглайди, чунки эшитиришлар мазмуну ва мавзүүлари йўналиши жиҳатидан ранг-баранг, уларнинг асосини янгиликлар ташкил этади.

Хуллас, талабалар ўзларини қизиқтирган ҳамма саволларга жавоб олишга муваффақ бўлишди. Германия элчихонаси вакиллари биз нафақат немис тилида, балки инглизча ҳам равоон суҳбатлашаётганимиздан хайратланиб, мамлакатимизда таълим соҳасидаги ютуқларимиз ҳақида илиқ фикрлар билдиришди.

Нилуфара ҲАЙДАРОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети
халқаро журналистика факультети талабаси

СОЛИҚ

**ҚУЛАЙ ВА ОММАБО
ТЎЛОВ УСУЛИ**

Мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлаш борасида Мирзо Улугбек тумани ДСИ томонидан қўллаб-қувватлаш ишлар олиб борилмоқда.

Асосан хўжалик субъектлари томонидан тўлов терминаллари ҳамда назорат касса-машиналаридан фойдаланиш устидан назорат кўмайтирилган. Айтиш жоизки, ҳар бир терминал ўрнатилган объект харидорларнинг пластик картчалар билан тўловларини амалга ошириш учун бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида жойларда туман инспекциясининг «Ишонч телефони» кўрсатилган плакатлар тарқатилган.

Жорий йил биринчи чорага қадар туманда пластик картчалар асосида тўловларни қабул қилиш терминаллари даярли мингтани ташкил қилиб, шундан 700 дан зиёди савдо объектларига тегишли. Нақд пул асосида фаолият кўрсатувчи барча хўжалик субъектларига тижорат банклари томонидан тўлов терминаллари ўрнатилиши режалаштирилган.

Пластик картчалар орқали ҳисоб-китоб қилиш юзасидан келиб чиққан қонун бузилиш ҳолатлари аниқлашиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Утган давр мобайнида терминалдан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар бўйича икки субъектга нисбатан молиявий жаримлар белгиланди.

Рустам ҲАКИМОВ,
Мирзо Улугбек тумани ДСИ шўъба бошлиғи

КАМЕРАЛ НАЗОРАТИ САМАРАСИ

Солиқ кодексининг 70-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда ДСҚ томонидан тасдиқланган «Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини камерал назоратидан ўтказиш» тартибини жорий этиш мақсадида Шайхонтохур тумани солиқ инспекциясида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

2011 йил 1 апрелга қадар 3,7 мингдан зиёд корхона ҳисоботи тақдим этилиши мумкин бўлган. Шундан икки юзга яқини мажбуриятини бажармаган.

Инспекция ходимлари томонидан Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) солинмайдиган товар(иш, хизмат)ларни сотишда, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб бериувчиларнинг ҳисоб varaғиди товарларни сотишда қўшилган қиймат солиғи акс эттирилиши бўйича ҳам камчиликлар аниқланган.

Жорий йил ҳисобот даврида туман бўйича рўйхатга олинган 190 та ҚҚС тўловчи корхонадан 60 таси ҳисоботларини ҳар чорақда, қолгани ҳар ойда тақдим этиб боради. 130 та корхонанинг 390 та ҳисоботи камерал назоратидан ўтказилганда, етти корхона ҳақиқатда ҚҚС тўловчи сифатида имтиёзга эгалиги маълум бўлган, иккита корхонага белгиланган муддатда тушунтиришлар ёки қайта ҳисоботлар тақдим этиши олимиллиги тўғрисида талабномалар берилган.

Шерзод ТАСЛИМОВ,
Шайхонтохур тумани ДСИ камерал назорати бўлими ходими

**«АКРОМИЙЛАР» ҚАНДАЙ ҲАРАКАТ
ВА У АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИДА
ҚАНДАЙ РОЛЬ ЎЙНАГАН?**

Шундан сўнг эркинликка чиқши ва ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланиш мўлжалланган. Бунинг учун акромийлар ўз тарафдорларини давлат ва жамоат тузилмаларига киритиши, уларнинг ҳукуматда масъул лавозиларни эгаллаши режалаштирилган.

Ва, низоҳат, сўнгги босқич режаси жамиятнинг тўлиқ исломийлаштириш ва яқуний мақсад – бутун Фарғона водийида ҳокимиятни эгаллаш ва ислом давлати тuzиши эди.

Акромийлар ўз цехлари ва дўконларига эга бўлган. Унинг аъзолари «Биродарлар», «Жамоатлар» тизимида иш билан таъминланган. Бу тизим бир қатор цехлардан иборат бўлиб, уларда тикувчилар, қосиблар, қассоблар, савдогарлар, авточилангарлар, новвойлар, деҳқонлар ва бошқа хунар эгалари ишлаган.

Бир қарашда, буларнинг барчаси «Акромийлар»нинг тинч мақсадлари ва истакларидан далолат берадигандек туюлади. Аммо, бу нафақат соддадиллик кўриниши, балки мулақо янглиш фикридир. 2005 йилнинг май ойида «Акромийлар» фаоллари бутун мамлакатимиздаги вазиятни издан чиқариш мақсадида ташқи кучлар кўмағида кенг қўламли бузғунчилик хуружини амалга оширганда ўзларининг асл башарасини аққол кўрсатиб қўйди.

Баъзан Фарб давлатларида «Акромийлар» экстремистик оқимига нисбатан «тинч» диний тариқат, унинг тарафдорлари фақат ислом динини ўргатиши билан шуғулланган, деган сохта қарашлар учраётганини тўғрилайи бу ҳақда батафсил ва ҳолисона сўзлаб бериш зарурияти мавжуд.

Секталар йўналишидаги «Акромийлар» ташкилоти 1994 йилда Андижонда вужудга келди. Ташкилотнинг номи диний гуруҳ раҳбари, шу шаҳарда туғилиб ўсган Ақром Йўлдошев исмидан олинган.

А. Йўлдошев бошқа диний таълимот — «Хизб-ут Таҳрир» голярининг издоши бўла туриб, илпоҳибт масалалари билан фаол шуғулланган ва кейинчалик ўзининг таълимотини ишлаб чиққан. Бу «Ҳақиқатга йўл» китоби бўлиб, ундаги 12 та сабоқни А.Йўлдошевнинг ўзи ва унинг тарафдорлари Андижон шаҳрининг мусулмон ёшлари ўртасида тарқатишга ҳаракат қилган. Бу ташкилотнинг пировард мақсади - Ўзбекистон ҳудудида эъравонлик йўли билан диний давлат барпо этишдан иборат бўлган.

Ушбу ҳаракатнинг ташкилий тузилмаси 1996-1997 йилларда шаклланган. 3 кишидан 12 кишигача бўлган «ҳалқа» деб аталмиш дастлабки ўқувларда қатнашган аъзолар, одатда, «жамоат»ларга қабул қилинган. Тегишли ўқувларни тамомлагач, улар «Биродарлар»га айланган. Ўз навбатида улар ҳам «ҳалқа» ташкил этишга мажбур бўлган.

Ташкилот, ўз тузилмасига кўра, кенг тарқалган мафия оиласини эслатади. Бунда ҳам ҳар бир аъзо «жамоат»га ўз рафиқасини ва яқин қариндошларини олиб келиши шарт бўлган. Улар дастлаб мажбурий тарзда «ҳалқа»да тайёргарликдан ўтган. Имитхонларни топширган, улар ҳам «Биродарлар» сафига қўшилган.

Хотин-қизлар эркаклардан алоҳида ўқитилган. «Биродарлар» томонидан ўзларининг тарафдорлари орасидаги фарзандсиз оилаларга ўз боласини совға қилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Белгиланган тартибга кўра, «Биродарлар» фақат ўз тарафдорлари орасидан уйланиши ёки фақат уларга турмушга чиқishi мумкин бўлган.

Бундай гуруҳлар Тошкент, Қўқон, Фарғона ва Андижонда, похта ва Сирдарё вилоятларида, Андижон вилоятининг Ҳўжабод ва Жалолқудуқ туманларида, шунингдек, Қирғизистон ҳудудида фаолият юритган.

Бошланғич даврда акромийларнинг вазифаси – бир вилоят миқёсида маҳаллий давлат ҳокимияти устидан назорат ўрнатиш бўлган. Уларнинг таққисси ўз голярини тарғиб этиш,имкон қадар кўпроқ мусулмонларни анъанавий ислом йўлидан қалғитиш ва уларни, айниқса, ёшларни ўз томонига оғдиришга асосланган.

Акромийлар томонидан ҳар қандай йўл билан пул топиш тўғрисидаги гоёлар илгари сурилган ва ислом арконларидан четлашишга йўл қўйилган.

Иқтидор соҳиби

МИНИАТЮРА – ОРЗУЛАР САЊАТИ

Миниатюра мўъжаз, нафис санъат ҳисобланиб, у Шарқда XV-XVI асрларда оламга машҳур Абрӯ санъати таъсирида юзага келган. Асрлар ўтибдики, ушбу санъат кўплаб ихлосмандлар эътиборида, эътирофида.

Айтиш жоизки, миниатюра санъати ривожига ватандошимиз Камолитдин Бехзоднинг қўшган ҳиссаси беқиёс. Шарқ Рафаэли номини олган Камолитдин Бехзоднинг Хусрав Дехлавийнинг «Лайли ва Мажнун», Шайх Саъдийнинг «Бўстон», Низомий Ганжавийнинг «Хамса», Шарафиддин

тади. Масалан, мен баъзида уйда бўлган пайтларим чизгим келади. Ишхонада эса кун бўйи янги асарни ҳаёлан чизиб юраман. Бу санъат ҳаётимнинг мазмунига айланган, десам асло янглишмайман.

Ҳа, Каримнинг миниатюрага бўлган меҳрига унинг асарларини куза-

– Аввало хомаки эскиз қилинади, кейин у силлиқ ва шаффоф қоғозга олинади. Асл нусхани мўъжаз сандиқча-шкатулка, тахта, қадимий қоғозга тушириб, ранг берилади. Устидан ялтироқ мой – лок билан бўялиб, иссиқлик ускунасига қуритиш учун қўйилади. Яна бир бор локлангач, асар тайёр ҳолга келади.

Ушбу жараёни амалга оширишда ижодкордан нафақат иқтидор, балки сабр-тоқат, матонат талаб этилади. Каримни бу санъатга ошно этган Файзулла Раҳматуллаев айна пайтда шогирдининг ютуқларидан фахрда. «Ташаббус» кўрик-танловиди етти йилдан буён қатнашиб, пешқадамликни қўлдан бермаётган Карим яна бир неча танловларнинг республика босқичи голиби ҳамдир. «Йигит кишига етмиш хунар оз», деганларидек, Карим ўймакорлик ва наққошлик бўйича ҳам бир неча асарлар яратган. «Ниятим миниатюра санъатини жаҳонга ёйиш», дейди у.

Юртимизнинг бугуни ва келажагининг порлоқ бўлиши том маънода иқтидорли ёшларга боғлиқ. Биз серкирра ижодкор Каримнинг келгусидаги ишларига омад тилаймиз.

Мавмура ЁКУБОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси



Шаҳримиздаги сўлим ва баҳаво Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг 153 йиллиги олдидан «Инсонпарварлик йўлида бирлашайлик» шиори остида анжуман ва унинг доирасида «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Танловлар

БИЛИМДОНЛАР ҲАМИША ГОЛИБ

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки Халқаро Қизил Хоч ҳаракати инсонпарварлик, холислик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик, ягоналик ва умуммиллийлик каби етти та йўналиш бўйича иш олиб боради. Ҳозирги кунда бу ташкилотга 186 та давлат аъзо бўлиб, шу жумладан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ҳам 1995 йилдан бошлаб унинг тенг, тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти 238 та бошланғич ташкилотларида 140 мингдан ортиқ жамият аъзоларини бирлаштирган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради. Умумтаълим мактабларида 240 дан ортиқ санитар постлар мавжуд бўлиб, улар ўқув жараёнида мактаб шароитида учраб турадиган ҳолатларда жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш гуруҳларидир. Ҳар йили ушбу санитар постлари ўртасида қизгин мусобақалар, танловлар ташкил этилиб, олган билимлари синовдан ўтказилади. Бу йил «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси билан бирга «Баркамол авлод» спорт бекати, «Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш лойиҳаси» бекати ва «Инсонпарварлик йўлидаги орзуларим» волонтерлар бекати каби янги лойиҳалар бўйича ҳам қизгин беллашувлар бўлиб ўтди.

— Йилдан йилга ушбу танловда иштирок этаётган ўқувчи-ёшларнинг билими, қизиқиши ва таҳрибаси ҳам ор-

тиб бормоқда, — дейди шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармаси вакили, капитан Бехзод Абдуллаев. — Ҳакамлар уларни баҳолашда ниҳоятда ҳушёр бўлишмоқда. Чунки билим ва тажриба, синовда тенг курашган қатнашчиларни одилона баҳолаш керак.

Биз ҳам сафда туриш, уйда беморга қараш, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг тарихи ва фаолияти каби етти та шарт бўйича бор билим ва маҳоратларини кўрсатиб, саволларга ҳозиржавоблик ва зукколик билан тўғри жавоб беришга интилаётган жамоаларни кузатиб ушбу тадбирнинг ўқувчилар орасида қай даражада аҳамиятли эканига ғувоҳ бўлдим.

Қизгин беллашувларда албатта интиланган, изланган, билимларни пухта ўзлаштирган билимдонлар голиб бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда Мирзо Улуғбек туманидаги 50- мактаб жамоасига биринчи ўрин насиб этди. Иккинчи ўринни Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактаб, учинчи ўринни Чилонзор туманидаги 217- мактаб жамоалари эгалладилар. Деворий газеталар танловиди эса Ҳамза туманидаги 244-мактаб жамоаси голиб бўлди.

Танлов якунида голиб ва иштирокчилар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА
СУРАТДА: «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасидан лавҳа Козим Улмасов олган сурат



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ҲИҚМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

МУҲИТ ҲАҚИДА

Муҳит ҳаммани бўйсундирса-да, истеъдод билан ишққа кучи етмаган.

Истеъдодли бўлиш мумкин, лекин ҳамма муҳитда ҳам уни очиб бўлмайди.

Салбий муҳитда гул ўрнида алаф ўсади.

Камолотлилар муҳитни галвирлаб турдилар.

Бурқсиган ҳавони — довул тозалайди.

ҲАЁТ ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА

Инсониятни қонунлар бошқариб туради.

Қонуннинг дўсти ҳам, душмани ҳам йўқ.

Доимий ташвиш — ҳаётнинг қонунидир.

Ибтидосиз интиҳо йўқ.

Бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор.

Ҳар қандай ҳаракатга қарши ҳаракат бор.

Ҳар бир зарра — қуёшдан баҳраманд.

Ҳар қандай туннинг ҳам тонги бор.

Маънавий қаҳатчилик бўлган ерда — иқтисодий фаровонлик бўлмайди.

Ҳаёт пиллапоялари омонат бўлса, баландга чиқиб бўлмайди.

Ҳаётда нодон одамларга қараганда, донолар кўп азият чекадилар.

Тўлқиннинг силлиги бўлмайди.

Янги ариққа келган дастлабки сув — лойқа бўлади.

Дарё қуриса, ўзани қолади.

Тоғ ҳам ердан бошланган.

Садо эшитганини такрорлайди.

Тунсиз кун йўқ.

Ёмон уруғдан яхши ҳосил унмайди.

Нурнинг сояси йўқ, аммо сояларни кўрсатади.

Юрак қора бўлса, бора-бора юзга юқади.

Олдинда борувчи — орқадан борувчининг кўприги.

Олға қараб бориш — оддийдан мураккабга қараб юришдир.

(Давоми бор)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин. Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1.	70М	«Тошкент вокзали АШБ – Тузеп мавзеси»	Микроавтобус
2.	75М	«Кўйлик М1 АШБ – Қўшқўрғон маҳалласи»	Микроавтобус
3.	139М	«Сувсос мавзеси бекати – М.Юсуф кўчаси АШБ»	Микроавтобус
4.	46А	«Бирлик мавзеси – РЕТ заводи бекати»	Автобус
5.	62А	«Дўстлик-2 мавзеси – М.Юсуф кўчаси АШБ»	Автобус
6.	78А	«Беруний метро бекати – Тошкент вокзали АШБ»	Автобус
7.	119А	«Чилонзор мавзеси 20-даха – Тошкент вокзали АШБ»	Автобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга тақдоран қўйиладиган йўналишлар

1.	61М	«Кўйлик М1 АШБ – Юнусобод 4-даҳаси бекати»	Микроавтобус
2.	67М	«Тошкент вокзали АШБ – Чилонзор буюм бозори бекати»	Микроавтобус
3.	78М	«Қорасув 1 мавзеси АШБ – Авиасозлар АШБ»	Микроавтобус
4.	83М	«Ибн Сино 1 мавзеси – Юнусобод 19-даҳаси АШБ»	Микроавтобус
5.	95М	«Маданият олийгоҳи бекати – Аэропорт АШБ»	Микроавтобус
6.	120М	«Қорақамиш 2/4 мавзеси АШБ – Зенит заводи бекати»	Микроавтобус
7.	137М	«Ғишт заводи бекати – Ҳамза тумани ИИБ бекати»	Микроавтобус
8.	140М	«Чорсу савдо маркази АШБ – Тошкент педиатрия институти»	Микроавтобус
9.	178М	«Юнусобод 17-даҳаси АШБ – Карвон бозори бекати»	Микроавтобус
10.	181М	«Сайрам кўчаси бекати – Маданият олийгоҳи бекати»	Микроавтобус
11.	182М	«М.Уйғур кўчаси АШБ – Чилонзор 25-даха АШБ»	Микроавтобус
12.	192М	«Юнусобод 10-даха АШБ – Қорасув 6 мавзеси»	Микроавтобус
13.	193М	«Бектемир мавзеси – Кўйлик М1 АШБ»	Микроавтобус

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «Infin BANK» даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **118 минг 900 сўм** ўтказилади.

Тендер тақлифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00да) тўхтазилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

Анзур пиёзи — пиёзгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Пояси 60-150 сантиметр, силлиқ. Барги 4-5 та, қайишсимон, эни 2-4 сантиметр, чети текис. Пастки томони тукли, баъзан туксиз бўлади. Гулбанди деярли тенг, гулқўрғонидан 3-6 марта узунроқдир. Кўсакчаси бир оз яссидумалоқ, эни 5 миллиметрча. Туганаги 3-6 сантиметр йўғонликда, йирик яссидумалоқ, усти қора бўлиб, қоғозсимон қобиқ билан ўралган. Анзур пиёзи май-июнь ойларида гуллади. Уруғи июнь-июль ойларинда пишади.

Шифобахш ўсимликлар
АНЗУР ПИЁЗИ

Анзур пиёзи Тяньшань, Омонқўтон, Зарафшон ва Ҳисор тоғларининг юмшоқ тупроқли жойларида ўсади. Анзур пиёзининг пиёз туганаклари хушқўр, тотимли ва тансиқ неъмат сифатида турли хил таом турларига қўшиб ёхуд бевосита тузланган, сиркаланган ҳолда истеъмол қилинади. Анзур пиёзида энгил сингувчи оксил моддалар (протеин), крахмал, қанд, дармондорилардан А,В2, С (41 мг фоиз), минерал тузлар, органик кислоталар, эфир мойлари бор. Олимларнинг маълумотларига қараганда, анзур пиёзида фитонцидлар ҳам мавжуд.

Анзур пиёзи фақат иштаха уйғотиб, овқатларнинг ҳазм бўлиши, осон сингилшига ёрдам берибгина қолмасдан, балки, у халқ табobati амалиётида ўпка касалликларига юқори нафас олиш органларининг шомоллашида тавсия этилади.

Адабиётларда қайд қилинишича, анзур пиёзи кейинги йилларда анча камайиб кетган. Унинг табиий захираларини кўпайтириш мақсадида, ўсимлик уруғлари ёхуд унинг ён пиёзчаларини тоғ ёнбағирларидаги бўш жойларга экиш лозим қўрилади.

Маннон НАБИЕВ

УЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26 май кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди, айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир, жала ёғиш эҳтимоли бор. Шарқдан секундида — 7-12 метр тезликда, жала вақтида — секундида 15-20 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-19, кундузи — 28-33 даража иссиқ бўлади.

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 26 май кунини Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаарли моддаларнинг бироз йилгишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоз кўпайиши тахмин қилишмоқда, таъқиқдори паст бўлади.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бўшқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3958 нуссада босилади.
Қоғоз бېғими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.